**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tar.44.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАҲМУДОВ ОТАБЕК ВАЛИЖОНОВИЧ**

# ЕВРОПАДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЛИМЛАРИ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДА ТОЛЕДО МАКТАБИНИНГ ЎРНИ (XII – XIII АСРЛАР)

**07.00.03 – Жаҳон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**УЎК: 94(460.285):001(09)(5–015)(043.3)**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**
**Contents of abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) dissertation**

**Маҳмудов Отабек Валижонович**
Европада Марказий Осиё олимлари илмий меросини ўрганишда
Толедо мактабининг ўрни.....3

**Махмудов Отабек Валижонович**
Место Толедской школы в изучении научного наследия ученых
Центральной Азии в Европе.....23

**Makhmudov Otabek Valijonovich**
The Place of the Toledo School in study of the Scientific Heritage
of Scientists of Central Asia in Europe.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**
Список опубликованных работ
List of publications.....47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tar.44.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАҲМУДОВ ОТАБЕК ВАЛИЖОНОВИЧ**

# ЕВРОПАДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЛИМЛАРИ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДА ТОЛЕДО МАКТАБИНИНГ ЎРНИ (XII – XIII АСРЛАР)

**07.00.03 – Жаҳон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Tar146 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.beruniy.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий раҳбар:** | **Юсупова Дилорам Юнусовна**<br>тарих фанлари доктори, профессор, академик |
| **Расмий оппонентлар:** | **Аҳмедов Ашраф**<br>тарих фанлари доктори |
| | **Зиёдов Шовосил Юнусович**<br>тарих фанлари номзоди, доцент |
| **Етакчи ташкилот:** | **Тошкент давлат шарқшунослик институти** |

Диссертация ҳимояси ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tar.44.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «____» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 79-уй. Тел.: (99871) 262-54-61, факс: (99871) 262-52-77, E-mail: beruni1academy.uz).

Диссертация билан ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 79-уй. Тел.: (99871) 262-54-61).

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилган.
(2018 йил «_____» _____ даги ____- рақамли реестр баённомаси).

**Б. А. Абдуҳалимов**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори

**О. А. Қориев**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тарих фанлари номзоди

**Э. З. Нуриддинов**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида юз бераётган глобаллашув жараёнлари илм-фан инсоният тараққиётининг бош омили эканлигини кўрсатмоқда. Бу борада Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари илмий меросининг замонавий цивилизация учун нақадар долзарб ва зарур эканлигини очиб бериш, ушбу бебаҳо илмий меросни янада теран тадқиқ қилиш ва оммалаштириш жаҳон шарқшунослигининг энг асосий масалалари сифатида эътироф этилмоқда.

Дунёнинг қатор мамлакатларида XII–XIII асрларда Испаниянинг Толедо, Сарагосса, Сеговия, Наварра, Севилья ва Барселона шаҳарларида йўлга қўйилган таржима фаолиятининг тарихига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Санаб ўтилган марказлар орасида Толедодаги таржима мактабининг фан тарихида тутган ўрни ниҳоятда муҳим бўлганлиги сабаб, мазкур мактабга алоқадор масалаларни тадқиқ этиш юзасидан устувор йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунга қарамасдан, мактабнинг ташкил топиши, таркиби, у ердаги таржима ишлари, илмий фаолият, таржимон ҳамда олимларнинг ҳаёти ва ижоди каби масалалар ҳануз яхлит тарзда, тўлалигича ўрганилмай қолмоқда.

Республикамизда халқимизнинг бой тарихи ва маданиятининг ажралмас бир қисмини ташкил этадиган, маънавий ва илмий тараққиётимиз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган қадимий қўлёзмаларни илмий тадқиқ этиш, уларни юртимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида тарғиб қилиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада IX–XII асрларда яшаб ижод қилган марказий осиёлик буюк мутафаккирлар илмий мероси салмоқли тадқиқотларнинг объектига айланди. Зеро, «бугунги нотинч ва таҳликали замонда тараққиёт ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда буюк аждодларимиз қолдирган, бутун инсониятнинг маънавий бойлиги бўлган бебаҳо мероснинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир»[1]. Бироқ, шу билан бирга, ҳозирга қадар алломалар асарларининг XII–XIII асрларда Европада таржима этилишига оид масалалар махсус тадқиқ этилмаганлигини эслатиб ўтиш жоиз. Жумладан, бу борада кўпинча таржиманинг яратилган асрини келтириш билангина чекланилиши, асар таржимони кимлиги, таржима қандай услубда, қачон, қаерда яратилгани ҳамда унинг фандаги татбиқига оид масалаларга кам эътибор қаратилиши, айни соҳадаги илмий-тадқиқот ишлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» (2017 йил 24 май, ПҚ – 2995-сон)[2], «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги (2017 йил 20 июнь, ПҚ – 3074-сон)[3] қарорлари, шунингдек, соҳага оид бошқа

---

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича I саммитидаги нутқи. http://president.uz/uz/lists/view/1018. – 10.09.2017.
[2]Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 21-сон, 389-модда.
[3]«Халқ сўзи», 2017 йил, 122 (6816)-сон.

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши» дастури устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Толедо мактабига алоқадор масалаларни ўрганиш борасида хорижлик олимлар М-Т. де Алверний, Ҳ. Гиль, С. Ҳайк, Ч. Бернетт, Ж. Ломба, Р. Ҳенелле Абекаси, К. Фос, М. Гаргальяти, М. Робинсон ва А. Фидора тадқиқотлари[4] асосий ишлар ҳисобланади. Уларда мактабнинг шаклланиши ва фаолиятига оид масалалар илмий таҳлил қилинган. МДҲ мамлакатларида мактаб тарихига оид изланишлар О. Журавлёв ҳамда В. Иовенко[5] томонидан олиб борилган. Республика миқёсида, Толедо мактабининг фан тарихидаги аҳамиятига доир дастлабки илмий мулоҳазалар Ф. Сулаймонова тадқиқотида[6] қайд этилган.

Бундан ташқари, ўрта асрларда Шарқ маданияти ва фанининг Ғарбга кўрсатган таъсирини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, уларда ҳам ўрганилаётган мавзу юзасидан баъзи мулоҳазалар билдирилади. Европалик олимлардан А. Мюллер, Э. Леви-Провансаль, У. М. Уотт, рус олимларидан И. Крачковский, республикамиз олимларидан Ф. Сулаймонова тадқиқотлари[7] бу борадаги муҳим илмий ишлардан саналади. Ҳозирга қадар, XII–XIII асрларда Европада тараққий этган илмлар тарихи минтақа олимлари томонидан муайян даражада ўрганилган. Жараёнда ўша

---

[4]Alverny M-T d'. Translations and translators // Renaissance and Renewal in the Twelfth Century. – Oxford: Clarendon Press, 1982. – P. 421–462; Gil J. The Translators of the Period of Don Raimundo: Their Personalities and Translations (1125–1187) // Rencontres de cultures dans la philosophie medievale. Traductions et traducteurs de Antiquite tardive au XIVe siecle. – Louvain-la-Neuve, 1990. – P. 109–119; Hayyek S. Escuela de Traductores. Toledo despensa cultural de Occidente // Islam Español. 1990. – P. 219–220; Burnett C. The Institutional Context of Arabic – Latin Translations of the Middle Ages: A Reassessment of the School of Toledo // Vocabulary of Teaching and Research between the Middle Ages and Renaissance. / Ed. by O. Weijers. – Turnhout: Brepols, 1995. – P. 214–235; Ўша муаллиф. The Coherence of the Arabic – Latin Translation Program in Toledo in the Twelfth Century // Science in Context. 2001. – Vol. 14 (1/2). – P. 249–288; Lomba J. La llamada Escuela de Traductores de Toledo. – Madrid: Los Berrocales Del Jarama, 1997. – 85 p.; Henelde Abecasis R. Escuela de Traductores de Toledo Pasado y presente // Raíces, Revista judía de cultura. 1998. – Vol. 35. – P. 28–41; Foz C. Bibliografía sobre la escuela de traductores de Toledo // Quaderns: revista de traduccion. 1999. – Vol. 4. – P. 85–91; Gargagliati M. La historia de la escuela de traductores de Toledo // Quaderns. 1999. – Vol. 4. – P. 9–13; Robinson M. The History and Myths surrounding Johannes Hispalensis // Bulletin of Hispanic Studies October. 2003. – Vol. 80. (4). – P. 443–470; Ўша муаллиф. The Heritage of Medieval errors in the Latin Manuscripts of Johannes Hispalensis (John of Seville) // Al-Qantara. 2007. – Vol. 28 (1). – P. 41–71; Fidora A. La Escuela de Traductores // La Catedral Primada de Toledo, dieciocho siglos de Historia. 2010. – P. 480–483.

[5]Журавлёв О. Международная Толедская коллегия переводчиков XII–XIII вв. // Альманах центра изучения средневековой культуры при философском факультете Санкт-Петербургского государственного университета. – Санкт-Петербург: Издательство Санкт-Петербургского философского общества, 2001. – № 5. – С. 70–92; Иовенко В. Школа переводчиков Толедо, или откуда корни нашей профессии // Мосты. – Москва: Издатель Р. Валент, 2008. – № 4. – С. 60–64.

[6]Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б. 259.

[7]Мюллер А. История Ислама. – Т. 4. – Санкт-Петербург: Издание Л. Ф. Пантелъева, 1896. – 281 с.; Крачковский И. Ю. Арабская культура в Испании. – Москва: Изд. АН СССР, 1937. – 31 с.; Lêvi-Provençal E. La civilisation Arabe en Espagne. – Paris, 1961. – 95 p.; Watt W. M. The influence of Islam on medieval Europe. Islamic Surveys 9. – Edinburgh: Edinburgh University Press, 1972. – 128 p.; Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 414 б.

даврдаги таржима фаолияти ҳам тадқиқотчилар эътиборидан четда қолмаган. Ф. Кармоди, Ч. Ҳаскинс, Л. Торндайк ва Э. Грант асарлари[8] бу борадаги энг йирик тадқиқотлар ҳисобланади. Шунингдек, фан тарихига оид йирик биобиблиографик асарлар мавжудки, уларда ҳам алломалар асарларининг Ғарбда таржима қилиниши муаллифлар эътиборидан четда қолмаган. Аниқроғи, биз ўрганаётган мавзуга бирор бир олимнинг ижоди муносабати билан қисман мурожаат этилган. Машҳур фан тарихчилари Г. Зутер, К. Броккельман, Ж. Сартон, Ф. Сезгин, Г. Матвиевская ва Б. Розенфельдларнинг фундаментал асарлари[9] бу борадаги ноёб ва ишончли қомуслар ҳисобланади.

Соҳадаги изланишларда Марказий Осиё мутафаккирларининг ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқотлар ҳам алоҳида ўринга эга. Бу борада, А. Юшкевич, М. Ҳайруллаев, А. Ирисов, Ю. Копелевич, П. Булгаков, Б. Розенфельд, У. Каримов ва А. Аҳмедовларнинг илмий ишлари[10] XX асрнинг сўнгги чорагида олиб борилган энг муҳим тадқиқотларнинг натижалари саналади. Хорижлик олимлардан Ф. Старр, МДҲ олимларидан К. Хусейнов, республикамиз олимларидан Б. Абдуҳалимов ва С. Каримова ишлари[11] эса ушбу йўналишда охирги йилларда яратилган йирик тадқиқотлардан ҳисобланади.

Санаб ўтилган тадқиқотларга қарамай, Толедо мактабининг ташкил топиши, таркиби, вазифалари, у ердаги таржима ишлари, илмий фаолият, таржимонларнинг ҳаёти ва ижоди, шунингдек, Марказий Осиё олимлари

---

[8]Carmody F. J. Arabic Astronomical and Astrological Sciences in Latin Translation: A Critical Bibliography. – Berkeley: California University Press, 1956. – 193 p.; Haskins C. H. The Renaissance of the Twelfth Century. – Cambridge: Harvard University Press, 1957. – 437 p.; Ўша муаллиф. Studies in the History of Mediaeval Science. – New York: Frederick Ungar Publishing, 1967. – 411 p.; Thorndike L. A. History of magic and experimental Science. – New York: Columbia University Press, 1964. – 835 p.; Grant E. A Source Book in Medieval Science. – Cambridge: Harvard University Press, 1974. – 587 p.

[9]Suter H. Die Mathematiker und Astronomen der Araber und ihre Werke. – Leipzig: Druck und verlag von B. G. Teubner, 1900. – 289 s.; Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur. Bd. 1–2. – Leiden: C. F. Amelangs Verlag, 1909. – 283 s.; Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 1, 2. – Baltimore: Carnegie Institution of Washington, 1927, 1931; Sezgin F. Geschichte des arabischen Schrifttums. – Leiden: E. J. Brill, Bd. I: Qur'ān wissenschaften, ḥadīt, Geschichte, Fiqh, Dogmatik, Mystik. 1996. – 936 s.; Bd. II: Poesie. 1996. – 808 s.; Bd. III: Medizin-Pharmazie, Zoologie-Tierheilkunde. 1996. – 498 s.; Bd. IV: Alchimie-Chemie, Botanik-Agrikultur. 1996. – 399 s.; Bd. V: Mathematik. 1974. – 515 s.; Bd. VI: Astronomie. 1978. – 522 s.; Bd. VII: Astrologie-Meteorologie und Verwandtes. 1979. – 486 s.; Bd. VIII: Lexikographie. 1982. – 389 s.; Bd. IX: Grammatik. 1984. – 406 s.; Матвиевская Г. П., Розенфельд Б. А. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды. В 3-х т.– Москва: Наука, 1983. – Т. 2. – 650 с.

[10]Юшкевич А. История математики в средние века: математика до эпохи Возрождения. – Москва: Физматгиз, 1961. – 448 с.; Хайруллаев М. Фараби – крупнейший мыслитель средневековья. – Ташкент: Фан, 1973. – 100 с.; Ирисов А. Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижодий мероси. – Тошкент: Фан, 1980. – 207 б.; Аль-Хорезми. Астрономические трактаты. / Пер. и примеч. А. Ахмедова. – Ташкент: Фан, 1983. – 140 с.; Аль-Хорезми. Математические трактаты. / Пер. Ю. Копелевича, А. Юшкевича, Б. Розенфельда и Г. Матвиевской. – Ташкент: Фан, 1983. – 306 с.; Булгаков П., Розенфельд Б., Ахмедов А. Мухаммад ал-Хорезми. – Москва: Наука, 1983. – 240 с.; Исследования по истории, истории науки и культуры народов Средней Азии. / Под. ред. П. Г. Булгакова и У. И. Каримова. – Ташкент: Фан, 1993. – 203 с.; Аҳмедов А. Аҳмад ал-Фарғоний. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998. – 160 б.

[11]Starr F. Lost Enlightenment: Central Asia's Golden Age from the Arab Conquest to Tamerlane. – Princeton: Princeton University Press, 2015. – 680 p.; Хусейнов К. Роль мыслителей Востока в развитии естественных наук. Автореф. дисс. ... док. тех. наук. – Уфа. НИИРектив. 2004. – 46 с.; Абдуҳалимов Б. «Байт ал-ҳикма» ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 264 б.; Каримова С. Роль учёных Мавераннахра и Хорасана в развитии химии и фармакологии на средневековом Востоке (по письменным источникам IX – XI вв.) Автореф. дисс ... док. ист. наук. – Ташкент. ИВ АН РУз. 2001. – 57 с.

асарларининг мактабдаги тадқиқига оид масалаларни комплекс равишда қамраб, уларни яхлит ҳолда ёритувчи фундаментал тадқиқот яратилмаганлиги, бу борада чуқур илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўрта аср Шарқ алломалари илмий меросининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини талаба-ёшлар ўртасида тарғиб қилишнинг замонавий ечимлари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Европада Марказий Осиё олимлари асарларини таржима қилиш ва ўрганишда Толедо мактабининг ўрнини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Толедо мактаби тарихига бағишланган илмий ишларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

мактабнинг ташкил топиши, таркиби, вазифалари ҳамда фаолият босқичларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

мактабда фаолият юритган таржимон ҳамда олимларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш;

мактабдаги таржима жараёнининг тартиби ва услубини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш;

мактабда яратилган таржималарни аниқлаш, уларни даврий ҳамда фанлар кесимида классификация қилиш;

марказий осиёлик олимларнинг Толедо мактабида таржима қилинган асарларини аниқлаш;

Марказий Осиё олимлари асарларининг Толедо мактабида тадқиқ этилишини таҳлил қилиш ҳамда мактабнинг бу борадаги ўрнини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида XII–XIII асрларда Испаниянинг Толедо шаҳрида фаолият юритган таржима мактаби олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Толедо мактабининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи, мактабда фаолият юритган таржимонларнинг ижоди, у ерда яратилган таржималар, Марказий Осиё олимлари илмий меросининг мактабда ўрганилиши билан боғлиқ жараёнлар ташкил қилади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида тарихийлик тамойили, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш, таснифлаш, муаммовий-хронологик каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

VIII–XII асрларда Пиреней ярим оролида кечган сиёсий, ижтимоий ва маданий жараёнларнинг таҳлили натижасида Толедо мактабининг ташкил топишига таъсир этган тарихий омиллар аниқланиб, минтақада юз берган Шарқ ва Ғарб маданиятининг ўзаро қоришув (синтез) даври мактабнинг шаклланишига асос бўлган бош тарихий омил эканлиги далилланган;

Толедо мактабининг фаолият босқичлари, ходимлар таркиби, вазифалари, шунингдек, мактабда ижод қилган таржимон ва олимлар меросига оид қарашларнинг илмий-методологик асослари очиб берилиб,

Толедо мактаби Ғарб Уйғониш даврининг мантиқий ибтидоси эканлиги исботланган;

Толедо мактабида йўлга қўйилган «араб→кастиль→лотин», «араб→иврит→лотин», «араб→лотин», «кастиль→лотин» таржима услубининг методик хусусиятлари (сўзма-сўз, эркин, академик, воситачи тилдан таржима) кўрсатиб берилган;

ал-Хоразмий (783–850), ал-Балхий (787–886), ал-Фарғоний (тахм. 798–861), ал-Форобий (873–950) ва Ибн Сино (980–1037) асарларининг Толедо мактабида яратилган таржималари аҳамиятини ёритиш асосида, Европа мамлакатларида Ренессанс жараёнининг юзага келишида Марказий Осиё олимлари илмий меросининг тутган ўрни очиб берилган;

ал-Хоразмийнинг «Китāб ал-жамʿ ва-т-тафрӣқ би ҳисāб ал-ҳинд[*1]», ал-Фарғонийнинг «Китāб фӣ уṣӯл ʿилм ан-нужӯм», ал-Форобийнинг «Иҳṣа ал-ʿулӯм», Ибн Синонинг «Китāб аш-Шифāʾ» номли асарларини Толедо мактабида таржима қилинишига доир фанда мавжуд чалкашликлар (жумладан, таржимонлар Севильялик[*2] Хуан ва Испаниялик Хуан ҳамда Доминго Гундисальви ва Доминик Гундиссалин исмларининг ўхшашлиги сабаб, уларни битта шахс сифатида кўрсатувчи чалкаш қарашлар) ечими илмий далилларга таянган ҳолда (улар турли даврларда яшаган бошқа-бошқа шахслар эканлиги) асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

XII–XIII асрларда Толедо мактабида таржима қилинган 123 та асар аниқланиб, улар даврий ва фанлар кесимида классификация қилинган (асарлар 48 нафар муаллиф: 11 нафар антик давр, 32 нафар ўрта аср Шарқ, 5 нафар Марказий Осиё олимлари қаламига мансуб бўлиб, уларнинг 56 таси аниқ фанларга, 31 таси табиий фанларга, 36 таси ижтимоий фанларга оид, асарларнинг 25 таси марказий осиёлик олимларга тегишли);

республикамиз илмий фондларида мавжуд бўлмаган, ҳозирда АҚШ, Британия, Миср ва Қатар кутубхоналарида сақланаётган марказий осиёлик олимлар қаламига мансуб 15 та асар аниқланиб, уларнинг нусхалари тадқиқ этиш учун илмий муомалага киритилган;

Марказий Осиё алломалари асарларининг XII–XIII асрларда Европада ўрганилиши ва уларнинг минтақа фанлари ривожидаги аҳамиятига доир масалаларга аниқлик киритувчи маълумотлар мажмуи ишлаб чиқилган;

буюк мутафаккирларимиз асарларини ўрта асрларда Европа университетларида ўқитилишига оид маълумотларни халқимизга таъсирчан етказиш борасида илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

---

[*1]Ишда араб тилидаги асарларнинг номларини келтиришда Европа мамлакатларида қабул қилинган транскрипция қоидаларидан фойдаланилган. Шунинг баробарида, ўзбек ва араб тилларида бир хил талаффуз этиладиган қ, ғ, ҳ товушлари ўзгаришсиз қолдирилган.

[*2]Ўзбек тили имло қоидаларига асосан жой номларига «лик» қўшимчаси қўшилгач, у матн ичида кичик ҳарф билан ёзилади. Бироқ, бу ерда Севильялик, Испаниялик ва бошқалар шахсларнинг нисбаси сифатида ишлатилмоқда. Шу боисдан улар катта ҳарфда ёзилган. Мисол учун, Севильялик Хуан исми лотинчада Johannes Hispalensis, инглизчада John of Seville, русчада эса Иоанн Севильский тарзда ёзилади. Бундан ташқари, таржимонлар исмларининг турли тилларда турлича талаффуз қилинишини ҳам қайд этиш лозим. Жумладан, Хуан исмини Иоанн, Жон; Жерард исмини Герард, Ҳерардо; Майкл исмини Михаил, Микоил тарзида ва ҳ.к.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** унинг бевосита ал-Хоразмийнинг «Зӣж ал-Ҳāразмӣ», «Китāб ал-жамʿ ва-т-тафрӣқ би ҳисāб ал-ҳинд», «Китāб муҳтаṣар фӣ ҳисāб ал-жабр ва-л-муқāбала», ал-Балхийнинг «Мадҳал ʿилм ан-нужӯм», «Муҳтаṣар дар ʿилм ан-нужӯм», ал-Фарғонийнинг «Китāб фӣ уṣӯл ʿилм ан-нужӯм», ал-Форобийнинг «Иҳṣа ал-ʿулӯм», «Китāб ат-танбӣх ʿалā сабӣл ас-саʿāда», «Рисāла фӣ ʿуйӯн ал-масāил», «Мақāла фӣ маʿнā ал-ʿақл», «Шарҳ китāб ал-Мақӯлāт», «Китāб ал-қӣёс», «Китāб ал-амкина ал-муғлиṭа», Ибн Синонинг «ал-Қāнӯн фӣ-ṭ-ṭибб», «Китāб аш-Шифāʾ», «Манзӯма фӣ-ṭ-ṭибб» номли асарлари ҳамда ўрта аср мусулмон Шарқининг бошқа муаллифлари қаламига мансуб китобларнинг Толедо мактабида яратилган таржималарини хорижий фондларда сақланаётган нусхалари каби бирламчи манбаларга асослангани, шунингдек, юқорида санаб ўтилган асарлар таъсирида Толедо мактаби аъзолари томонидан яратилган «Liber Algorismi de practica arismetrica» («ал-Хоразмийнинг арифметика амалиёти тўғрисидаги китоби»), «Liber de Judiciis Astrologiae» («Юлдузлар муҳокамасига оид китоб»), «Tablas Alfonsies» («Альфонсо жадваллари»), «Liber introductorius» («Кириш китоби»), «De mensura» («Меъёр»), «De utilitatibus astrolabii» («Астурлобнинг афзаллиги»), «De compositione et usu astrolabii» («Астурлобнинг тузилиши ва қўлланиши»), «De divisione philosophiae» («Фалсафанинг бўлиниши хусусида»), «De unitate» («Бирлик тўғрисида»), «De processione mundi» («Оламнинг яратилиши тўғрисида»), «De immortalitate animae» («Руҳнинг абадийлиги хусусида») номли асарлар ҳамда уларга замонавий мутахассислар томонидан ёзилган шарҳлар ва таржималардан фойдаланилгани, бундан ташқари, тарих фанида эътироф этилган услуб ва ёндашувларнинг қўлланилгани, тадқиқот натижаларидан келиб чиққан таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ундан IX–XII асрларда яшаб ўтган марказий осиёлик олимлар меросини ўрганиш бўйича ўтказиладиган илмий тадқиқотларда ҳамда «Шарқ алломалари илмий мероси», «Ўрта Осиё алломалари илмий мероси ва тасаввуф тариқатлари тарихи», «Фан ва техника тарихи» каби фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти буюк алломаларимиз асарларини дунё ҳамжамияти ва халқимиз ўртасида кенг тарғиб қилиш, чет эллардаги Ўзбекистонга оид маданий бойликлар ҳақида тўлиқ маълумотлар базасини кенгайтириш борасидаги ишларнинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Европада Марказий Осиё олимлари илмий меросини ўрганишда Толедо мактабининг тутган ўрнини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

республикамиз илмий фондларида мавжуд бўлмаган, ҳозирда АҚШнинг Конгресс кутубхонаси (The Library of Congress), Британия кутубхонасининг (The British Library) Шарқ қўлёзмалари (Oriental

Manuscripts) бўлими, Миср Миллий кутубхонаси ва архиви (The National Library and Archives of Egypt) ҳамда Қатар Миллий кутубхонаси (The Qatar National Library) фондларида сақланаётган марказий осиёлик олимлар қаламига мансуб 15 та асар аниқланиб, уларнинг нусхалари Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказига тақдим қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказининг 2018 йил 12 январдаги 02-сон маълумотномаси). Тақдим этилган мазкур қўлёзма нусхалар халқимиз, хусусан, ёшларимизни ана шу бебаҳо маънавий бойликдан баҳраманд этиш, тарихимиз ва маданиятимизнинг номаълум саҳифаларини чуқур ўрганиш, Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликлар ҳақида тўлиқ маълумотлар базасини кенгайтириш, хорижий мамлакатларда сақланаётган маданий бойликларни юртимизга қайтариш ва илмий тадқиқ этиш борасидаги ишларнинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилган;

Аҳмад ал-Фарғонийнинг «Китāб фӣ уṣӯл ʿилм ан-нужӯм» («Фалакиёт илми асослари») номли асарини Толедо мактабидаги тадқиқига оид натижалардан Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи «Тарих» бўлимининг Аҳмад ал-Фарғонийга бағишланган экспонатларини қайта шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2017 йил 3 октябрдаги 01-11-08-4683-сон маълумотномаси). Бунда, «Китāб фӣ уṣӯл ʿилм ан-нужӯм» асарининг таржималарига оид илмий хулосалар ҳамда ушбу таржималарнинг Франкфурт (1590 йил) ва Амстердам (1669 йил) нашрларини тақдим этилган нусхалари, ал-Фарғоний илмий меросининг Европада астрономия фани тараққиётида тутган беқиёс ўрнига оид маълумотларни тарихий манбалар асосида халқимизга таъсирчан етказишга хизмат қилган;

буюк мутафаккирларимиз асарларини ўрта асрларда Европа университетларида ўқитилишига оид маълумотларни халқимизга ноанъанавий услубда, қизиқарли ва содда тарзда етказиш борасидаги таклифлардан Ибн Сино жамоат фонди ҳамда «Олтин мерос» халқаро жамоат фонди фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциациясининг 2017 йил 20 сентябрдаги 04-06/311-01-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар буюк алломаларимиз асарларини дунё ҳамжамияти ва халқимиз ўртасида кенг тарғиб этиш, ёш авлодни мазкур буюк маънавий меросга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган ишларнинг натижадорлигини тубдан ошириш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлар экспертларининг иштирокини кенгайтиришга хизмат қилган;

марказий осиёлик алломалар асарларининг Толедо мактабидаги тадқиқи ва татбиқига оид натижалардан Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг «Фарғона» телеканалида 2017 йилда эфирга узатилган «Ёшлар вақти» илмий-маърифий кўрсатувини тайёрлашда манба сифатида фойдаланилган (Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2017 йил 25 сентябрдаги 12-01/110-сон маълумотномаси). Мазкур маълумотлар кўрсатувни илмий далилларга бой ва халқчил бўлишини таъминлаш

баробарида, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Балхий, ал-Форобий ва Ибн Сино илмий меросини Европада аниқ, табиий ва ижтимоий фанлар ривожида тутган ўрни, унинг замонавий цивилизация тараққиётидаги роли ва аҳамиятини халқимизга қизиқарли тарзда етказишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та илмий конференцияда, жумладан, 3 та халқаро: «1st International Conference on History, Sociology and Philosophy» (Вена / Австрия, 2017), «History, Problems and Prospects of Development of Modern Civilization» (Токио / Япония, 2017), «Диалог двух культур Запада и Востока через призму единства и многообразия: древний мир, средневековье, новое и новейшее время» (Екатеринбург / Россия – Олмота / Қозоғистон, 2017) ҳамда 5 та республика илмий-назарий конференцияларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 та республика ва 3 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 132 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Толедо мактабининг ташкил топиши ва фаолияти»**ни ёритишга бағишланган. Бобнинг ***«Толедо мактабининг тарихий илдизлари: шаклланишга асос бўлган омиллар»*** деб номланган биринчи параграфида қадимги даврлардан то XII асрга қадар, яъни Рим империяси (мил. авв. 193 – мил. 411), аланлар давлати (411–469), Вестгот қироллиги (469–712), Араб халифалиги (712–756), Қуртоба амирлиги ва халифалиги (756–929–1031) ҳамда Толедо амирлиги (1031–1085) таркибида бўлган вақтда Толедо шаҳрида юз берган сиёсий, ижтимоий ва маданий жараёнлар таҳлил қилиниб, мактабнинг шаклланишига асос бўлган айрим омиллар баён этилади. Таҳлил натижаси шуки, Пиреней ярим оролининг қоқ марказида жойлашган Толедо қадим замонлардан кўплаб цивилизацияларга замин бўлиб келган. Бунинг бош омили, ўзининг қулай географик жойлашуви сабаб шаҳарни ҳамма даврларда минтақанинг энг муҳим стратегик маркази ҳисобланганлиги эди.

Толедо мактабининг шаклланишига билвосита таъсир этган тарихий омиллардан бири сифатида Толедо амири Яҳё ал-Маъмун (1043–1075) даврида юз берган илмий юксалиш жараёнларини кўрсатиш мумкин. Ал-Маъмун ўз саройига йирик олимларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратиб, уларга зарурий шароит яратишга ҳаракат қилади. Жумладан, унинг саройида Пиреней ярим оролининг турли нуқталаридан келган табиблар ал-Вофид, Ибн Волиф, ал-Лукух, астрономлар аз-Зарқалий, Ибн Ассафор, ас-Саҳлий, математиклар ал-Вакқодий, ат-Туғибий, Ибн ал-Аттар, Ибн Ҳамис, Ибн ал-Багнус, географ ва муҳандис Ибн Бассал ҳамда тарихчи ат-Тулайтилий каби олимлар ижод қилганлар. Ишда мазкур олимларнинг ҳаёти ва ижодига махсус тўхталиб ўтилган. Муҳим жиҳати шуки, улар қолдирган илмий мерос кейинчалик Толедо мактабининг шаклланишида ва у ерда ижод қилган олимларнинг изланишларида «маҳаллий манба» сифатида хизмат қилади.

Толедо мактабининг шаклланиши учун энг муҳим омил бўлиб хизмат қилган иш 1085 йилда Толедода христианлар ҳокимиятининг қайта тиклаб, уни ўз давлати пойтахтига айлантирган Леон ва Кастилия қироли Альфонсо VI (1069–1109) томонидан амалга оширилган. Тарихдан маълумки, Қуртоба халифаси Абдураҳмон III (912–962) даврида Қуртобада йирик кутубхона бунёд этилган эди. Айни кутубхона унинг ўғли ал-Ҳакам II (961–976) даврида янада кенгайиб, китоблар сони 400 мингдан ортиқни ташкил этган. Альфонсо VI ўзининг Қуртобага қилган ҳужумлари чоғида айни кутубхонада сақланиб қолган асарларнинг[*3] бир қисмини қўлга киритиб, ўлжа сифатида Толедога олиб келади. Қирол ушбу қўлёзма асарларни сақлаш мақсадида, уларни шаҳарнинг бош черковига жойлаштириш тўғрисида кўрсатма берган. Мазкур асарлар XII асрдан бошлаб Толедо мактаби таржимонлари томонидан лотин тилига ўгирилади. Шу ўринда қайд этиш лозимки, ўз даврида Абдураҳмон III буйруғи билан Толедода Европадаги илк қоғоз ишлаб чиқариш устахоналари ташкил этилган эди[12]. Натижада, шаҳар минтақанинг қоғоз ишлаб чиқарувчи йирик марказига айланади. Айни соҳада толедолик ҳунармандларда тўпланган тажриба, кейинчалик мактабда қўлёзма китоблардан нусха олиш ва таржима қилиш иши кенг ривож топган даврларда қоғозга бўлган талабнинг ўз вақтида қондирилишини таъминлади.

Мактабнинг шаклланишига замин бўлган яна бир жиҳат VIII–XII асрларда Толедода Шарқ ва Ғарб маданиятининг ўзаро қоришув, яъни синтез даври юз берганлигидир. Бу жараён турли халқлар маданиятининг бир-бирини шунчаки бойитиш давригина эмас, балки янгича тафаккурдаги жамиятнинг шаклланиш палласи бўлди. Толедонинг уч дин вакиллари: мусулмон, христиан ва яҳудийларни[*4] ёнма-ён туриб, ҳамкорликда ижод қилувчи илм марказига айлангани, минтақанинг турли шаҳар ва

---

[*3]Бундай дейишимизга сабаб XI аср бошларида Қуртоба халифалигида бошланган ички низолар ҳамда иқтисодий эҳтиёж туфайли китобларнинг тенг ярими сотиб юборилган. Қаранг: Мюллер А. История Ислама. – Т. 4. – Санкт-Петербург: Издание Л. Ф. Пантелъева, 1896. – С. 116–117.

[12]Fierro M. Abd-al-Rahman III of Cordoba. – London: Oneworld Publications, 2005. – P. 154.

[*4]Бу даврда шаҳар аҳолисининг умумий сони 37 мингни ташкил этган бўлиб, Толедо Европадаги энг кўп аҳолига эга шаҳарлар ичида Қуртобадан (250 минг) сўнг иккинчи ўринда турган. Қаранг: Menocal M. R. Ornamet of the World: How Muslim, Jewish, Christans Created a Culture of Tolerance in Medieval Spain. – New York: Back Bay Books, 2002. – P. 130.

мамлакатларидаги олимларнинг бу ерда ижод қилиш иштиёқини ошишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида, XII–XIII асрларда Шарқ фани ютуқларини Ғарбга етказиб берувчи «транзит пункти» – Толедо мактабининг шаклланишига замин ҳозирланди.

Биринчи бобнинг II параграфида ***«Толедо мактабининг фаолият босқичлари, таркиби ва вазифалари»***га оид масалалар таҳлил қилинган. Толедо мактаби таъсис этилган йил ҳақидаги аниқ маълумот ҳозирга қадар маълум эмас. «Толедо мактаби» атамаси эса дастлаб ўтган аср тарихчилари томонидан XII–XIII асрларда Толедо шаҳрида ижод қилган таржимонлар жамоасининг фаолиятини умумлаштириш мақсадида[13] ишлатила бошланган.

Тадқиқот давомида қўлга киритилган маълумотларнинг таҳлил натижасига таяниб, мактабнинг шаклланиши ва фаолиятини 3 босқичга ажратиш лозим, деган хулосага келдик.

I босқич – 1125–1152 йилларни, яъни Раймондо де Сальвета исмли шахснинг Толедо шаҳри архиепископи лавозимида ишлаган даврни ўз ичига олади. Айнан унинг ташаббуси билан бош черков кутубхонасида сақланаётган араб тилидаги асарларни таржима қилиш учун таржимонларнинг махсус гуруҳи тузилади. Бу мактабнинг шаклланишида Раймондо бош ролни ўйнаган, деб хулоса қилишга асос бўлади. Мазкур даврда асосан астрология, астрономия ва математикага тегишли асарлар таржима қилинган. Бу даврда Раймондо буйруғи билан мактаб аъзоларига қулайлик яратиш учун Толедо бош черковининг биноси қайта таъмирланади ҳамда таржима ва асарларни ёзиш учун қўшимча махсус хоналар қурилади.

II босқич – таржимонларнинг жуфтлик тарзда, ҳамкорликдаги фаолиятлари билан эътиборга лойиқ. Фалсафа ва табобатга оид асарларнинг таржималари мазкур даврда яратилган. Шунингдек, табиий ва аниқ фанларга оид айрим асарларнинг таржималари қайта ишланади. 1152 йилдан то XIII асрнинг иккинчи ярмига қадар бўлган даврни ўз ичига олган ушбу босқичда таржима ишлари яхши ташкил этилган доимий фаолиятга айланади. Таржимонлар фаолияти учун яратилган шароитлар ва марказлаштирилган иш тартибидан келиб чиқиб, Толедо мактабининг тўла шаклланган даври сифатида шу босқични кўрсатиш лозим. Бу даврда Толедо архиепископлари Хуан Кастеллморон (1152–1166) ва Родриго Хименес де Радаларнинг (1202–1247) ташкилотчилик борасидаги хизматлари катта бўлган.

III босқич – Кастилия қироли Альфонсо X нинг хукмронлик даврига, яъни 1252–1284 йилларга тўғри келади. Маълумотларга кўра, Альфонсо X мактаб фаолиятини назорат қилиш баробарида, яратилган таржималарнинг айримларини шахсан ўзи муҳаррирлик текширувидан ўтказган[14]. Бу даврда олдинги босқичларда лотин тилига ўгирилган асарларнинг айримлари давлат тили деб эълон қилинган кастиль лаҳжасидаги испан тилига таржима қилина бошланади. Аниқ ва табиий фан соҳалари қаторида адабиётга доир

[13]Ugidos J. The Toledo translators // The Linguists Review. 1948. – Vol. 24. – P. 25–27; Garulo T. Sobre la Escuela de Traductores de Toledo. – Madrid, 1973. – P. 4; Gil J. S. La Escuela de Traductores de Toledo y los colaboradores judíos. – Toledo, 1985. – P. 8.

[14]Pym A. The Price of Alfonso's Wisdom. Nationalist Translation Policy in Thirteenth-Century Castile // The Medieval Translator. / Ed. by R Ellis. – Turnhout: Brepols, 1996. – P. 449.

асарларнинг таржима этилгани, таржималарни махсус тузатувчи томонидан таҳрир қилинганлиги мазкур босқичнинг алоҳида хусусиятларидан саналади. Шунга қарамай, айни даврда Толедо мактабининг фаолият доираси торайиб, унинг олдинги шуҳрати маълум маънода пасаяди. Бунга қирол ўзининг катта эътибори ва вақтини янги ташкил этилган илмий-маданий марказ – Севильяга қаратганлиги сабаб бўлган.

Мактаб жойлашув ўрнига кўра, Толедо бош черковининг кутубхона ва унга туташ махсус-хизмат хоналарини эгаллаган. Махсус-хизмат хоналари архиепископлар Раймондо, Хуан ва Родриго ташаббуси билан турли йилларда эҳтиёждан келиб чиқиб қурилган. Мазкур хоналар таржимонлар, нусха кўчирувчилар, муқоваловчилар учун мўлжалланган қисмлардан иборат бўлиб, улар ўз вазифаларидан келиб чиқиб жиҳозланган. Афтидан, мактабда мутолаа қилишга келганлар учун, шунингдек, илмий мунозаралар юритиш ва китоб ёзиш билан боғлиқ бошқа жараёнларга мослаштирилган қўшимча хоналар ҳам бўлган. Булар мактабнинг таркибий қисмларини ташкил этади.

Мактаб архиепископлар Раймондо, Хуан, Родриго ҳамда қирол Альфонсо X шахсий раҳбарлиги ва ҳомийлигида фаолият кўрсатган. Буни, таржима учун бирор бир асарнинг танланиши, таржимага масъул таржимоннинг тайинланиши ҳамда молиявий таъминот билан боғлиқ ишларга уларнинг шахсан бошчилик қилганликлари исботлайди. Айни жиҳат, исмлари тилга олинган шахслар ўз даврида Толедо мактабининг олий раҳбари бўлганликларини англатади. Мактабда олий раҳбардан кейин муассасадаги ишларнинг юритилишига масъул лавозим мавжуд бўлган. Машҳур таржимон Доминго Гундисальви мазкур «иш юритувчи раҳбар» лавозимига тайинланган биринчи шахс ҳисобланади[15]. Мактабдаги лавозимлардан яна бири «eméndador» («тузатувчи») деб юритилган бўлиб, у XIII асрнинг иккинчи ярмида Альфонсо X ташаббуси билан жорий қилинади. Ушбу мансабдаги шахс яратилган таржималарни муҳаррирлик текширувидан ўтказиб борган. Мактабдаги масъул лавозимлардан навбатдагиси «magister» («устоз»)лик бўлиб[16], бу мақомга эга шахслар бир вақтнинг ўзида уч-тўрт нафарни ташкил этган ва улар маълум йўналишдаги фаолиятни идора қилганлар. Идора этувчи масъул бошқарувчилар, олимлар ва таржимонлардан ташқари, Толедо мактабида нусха кўчирувчилар, муқоваловчи усталар, китобхонларга хизмат кўрсатувчилар ҳамда таржима қилинган асарларни ўз буюртмачиларига етказиб берувчилар каби амалий ишларни бажарадиган ходимлар гуруҳи ҳам фаолият кўрсатган.

Толедо мактабининг дастлабки вазифаларидан бири араб тилидаги турли асарларни жамлаш, сақлаш ва китобхонларга хизмат кўрсатишдан иборат бўлган. Китобларнинг мазмунини билишга бўлган эҳтиёж натижасида унинг энг асосий вазифаси таржимачилик шаклланган. Мактаб аъзоларининг кўпчилиги нафақат оддий таржимон, балки ўз соҳасининг етук олимлари эдилар. Улар таржима ишларидан ташқари, араб тилидаги асарларни яқиндан ўрганиб, илмий изланишлар олиб борганлар. Бу вақтлар ўтиши билан

[15]Polloni N. Domingo Gundisalvo. Una introducción. – Madrid: Sindéresis, 2017. – P. 12.
[16]Burnett C. The Coherence of the Arabic – Latin Translation Program in Toledo in the Twelfth Century // Science in Context. 2001. – Vol. 14 (1/2). – P. 253.

мактабнинг вазифалари кенгайиб, улар доирасига илмий тадқиқотлар олиб бориш масъулияти ҳам қўшилганлигини англатади. Айрим тадқиқотларда мактабда араб тили ва астрологиядан дарс ўтилганлиги қайд этиладики[17], айни маълумот Толедо мактабининг вазифалари қаторига таълим бериш ҳам кирган, деб айтишга асос бўлади.

Диссертациянинг **«Толедо мактаби – йирик таржима маркази»** номли иккинчи бобида мактабда фаолият юритган таржимонларнинг ҳаёти ва ижоди, мактабда олиб борилган таржима ишларининг услуби ҳамда бу ерда яратилган таржималар ва уларнинг аҳамиятига оид масалалар таҳлил этилган.

Жумладан, бобнинг биринчи параграфи ***«Толедо мактаби таржимонлари ва уларнинг фаолияти»***га бағишланган. Мактабда фаолият юритган таржимонлар гуруҳининг ўзагини Европанинг турли мамлакатларидан келганлар ташкил этган. Улардан Севильялик Хуан, Доминго Гундисальви, Испаниялик Хуан, Толедолик Марк, Алваро де Овиедо – испан; Батлик Аделард, Сарешеллик Альфред ва Майкл Скот – инглиз; Кремоналик Жерард, Олмониялик Ҳерман – итальян; Ибн Довуд, Яҳуд ибн Моше Коэн, Исҳоқ ибн Сид, Авраам де Толедо, Самуэл де Толедо – яҳудий; Брюггелик Рудольф – фламанд[*5] бўлган. Булардан ташқари, Толедо мактаби мутасаддилари ва аъзолари Испаниянинг бошқа шаҳарларида истиқомат қилган таржимонлар билан ҳамкорлик алоқаларини олиб борганлар. Шунингдек, бу таржимонлар ижодининг молиявий таъминоти ва рағбати ҳам кўп ҳолларда мактаб раҳбарияти томонидан амалга оширилган. Барселонада яшаган Авраам бар-Ҳия ва Тиволалик Платон; Сарагоссада яшаган Педро Альфонсо, Санталалик Гюго ва Далматлик Ҳерман; Сеговияда яшаган Честерлик Роберт; Наваррада яшаган Кеттонлик Роберт мактабнинг ана шундай ҳамкор таржимонлари қаторига киради.

Уларнинг кўпчилиги нафақат оддий таржимон, балки ўз соҳасининг етук билимдонлари эди. Мазкур олимлар мактабда таржима ишлари билан шуғулланиш баробарида, араб тилидаги асарларни яқиндан ўрганиб улар асосида ўзларининг китобларини ёзишган. Бунга мисол қилиб Батлик Аделарднинг ҳисоб илмига доир лот.[*6] «Regulae abaci» («Абакда ишлаш»), Севильялик Хуаннинг астрономияга оид лот. «Liber de Judiciis Astrologiae» («Юлдузлар муҳокамасига оид китоб»), Ибн Довуднинг фалсафага оид «Ал-ақидаҳ ар-рафӣйаҳ» («Юксак ишонч»), Майкл Скотнинг қомусий ҳарактерга эга лот. «Liber introductorius» («Кириш китоби») номли асарлар ёзганлигини келтириш мумкин.

Ишнинг бу қисмида санаб ўтилган таржимонлар ҳаёти ва ижодига алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтилган. Бу борадаги мухтасар хулоса шуки, уларнинг самарали фаолияти натижасида антик давр фан юлдизлари ҳамда Шарқнинг энг буюк мутафаккирлари қаламига мансуб кўплаб нодир адабиётлар лотин ва кастиль тилларига таржима қилинди ҳамда улардаги

---

[17]Lomba J. La llamada Escuela de Traductores de Toledo. – Madrid: Los Berrocales Del Jarama, 1997. – P. 15.

[*5]Белгиянинг шимолида яшайдиган, тили герман тиллари оиласига мансуб халқ.

[*6]лот. – лотин тилида.

илмий назариялар Европа минтақасидаги барча халқларнинг маънавий хазинасига айланди.

***«Толедо мактабида яратилган таржималар ва уларнинг аҳамияти»*** номли иккинчи параграф аввалида мактабдаги таржима иш услубининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган. Толедо мактабида таржима жараёни мураккаб тизимда юритилган бўлиб, вақт ўтиши билан бу тизим ўзгариб, ривожланиб борган. Дастлабки вақтларда араб тилидаги асарлар биринчи маҳаллий кастиль ёки яҳудий (иврит) тилига ўгирилиб, сўнгра лотин тилига таржима қилинган. Аниқроғи, араб тилини билувчи шахс, асар таржимасини оғзаки равишда лотинчани билувчи шеригига маҳаллий кастиль ёҳуд иврит тилида айтиб турган, иккинчи шахс, ўз навбатида эшитганларини лотин тилига ёзма таржима этиб борган. Бу жараёнга мактаб таржимонларининг айримларини араб тилини, айримларини эса лотин тилини билмаслиги сабаб бўлган. Шундан келиб чиқиб, мактаб фаолиятига назар ташланса, унинг аъзолари аксарият ҳолларда ҳамкорликда фаолият юритганликларига гувоҳ бўламиз. Айрим ҳолларда бу услуб, мураккаблик даражаси турлича бўлган асарларнинг таржималарини ҳар хил хатоликлар билан яратилишига сабаб ҳам бўлган[18]. Шунинг учун, баъзи асарларнинг таржималарига кейинчалик тузатишлар киритилган.

Эътибор қаратилса, мактаб вакиллари орасида араб тилидаги асарни тўғридан-тўғри лотин тилига ўгириш имкониятига эга таржимонлар ҳам бўлган. Мисол учун Батлик Аделард, Севильялик Хуан, Кремоналик Жерард, Майкл Скот, Толедолик Марк ва Олмониялик Ҳерман ана шундай салоҳиятга эга мутахассислар ҳисобланишган. Булардан Жерард, Майкл, Марк ва Ҳерман таржималари ўзининг илмийлиги ва мукаммалиги билан ажралиб туради. Севильялик Хуан эса лотин тилига ўгирилаётган айрим асарларда келтирилган география ва Ислом динига оид маълумотларни атайин тушириб қолдирган. Шунингдек, у баъзи асарларнинг фақат асосий мазмунини таржима қилган, холос. Албатта, бу каби «услуб» асарнинг илмий савиясига ўзининг сезиларли салбий таъсирини ўтказган. Айни «услуб» Батлик Аделард ижодига ҳам хосдир. Юқорида тавсифланган таржима жараёни, мактабда асарлар сўзма-сўз, эркин, академик (илмий), воситачи тилдан таржима қилиш каби усуллардан фойдаланиб, лотин тилига ўгирилганлигини англатади.

XII–XIII асрларда Толедо мактабида лотин тилига ўгирилган асарлар рўйхатига назар ташланса, дастлабки вақтда асосан астрология, астрономия, математика ва тиббиёт каби фан соҳаларига доир асарларни таржима қилишга катта эътибор қаратилганлигига гувоҳ бўлинади. Кейинчалик, жумладан, XII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса фалсафага тааллуқли бўлган асарларни лотин тилига ўгириш кенг тус олди. XIII асрнинг иккинчи ярмидан бу асарлар қаторига бадиий адабиёт намуналари ҳам қўшилади.

Мазкур параграфда асосий эътибор мактабда таржима қилинган асарларга қаратилиб, улар фанлар кесимида, жумладан: «Фалакиёт, риёзиёт,

---

[18]Қаранг: Burnett C. The Coherence of the Arabic – Latin Translation Program in Toledo in the Twelfth Century // Science in Context. 2001. – Vol. 14 (1/2). – P. 249–288; Robinson M. The History and Myths surrounding Johannes Hispalensis // Bulletin of Hispanic Studies October. 2003. – Vol. 80. (4). – P. 443–470.

